**Корхона (ташкилот, муассасалар ва юридик шахс)лар учун қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш**

**№14- сонли ШАРТНОМА**

**2022 йил “20” январь** **Бешарик ш.**

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи Низом асосида фаолият олиб борувчи “FERGHANA SPECIAL TRANS” М.Ч.Ж номидан раҳбар Б.Дехконов, бир томондан ва бундан буён матнда “Буютрмачи” деб юритилувчи Бешариқ мактабгача таълим бўлим номидан рахбар Ш.Бараталиева иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1 “Буюртмачи” топширади, “Ижрочи” эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига “Буюртмачи” томонидан махсус белгиланган жойга йиғилган КМЧ (қаттиқ маиший чиқиндилар)ни ташиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса хизмат тўловларни тўлаб бериши шарт.

1.2 К.М.Ч. ларнинг умумий ҳажми бир йилга 434 м3 ташкил этади.

1.3. Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир м3 КМЧ учун 40000 сўм, ҚҚС(15%) билан 46000 сўм.

1.4. Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 19 964 000 ( Ўн тўққиз миллион тўрт юз олтмиш тўрт минг) сўм.

## 2. “БУЮРТМАЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. ҚМЧ қаттиқ маиший чиқиндиларни қуйидаги кўрсатилган манзилга, яъни Ўттизомбор МФЙ Қўриқ қишлогидаги махсус чиқиндихонага олиб чиқиб ташлаш.

2.2. Қурилиш, йирик ҳажмдаги чиқиндилар ва шох-шаббаларни ташиб кетиш учун алоҳида ҳақ эвазига бир маротабалик шартнома тузиш.

2.3. ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда 73. 612-23-45 телефонига телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочи”га маълумот бериш.

2.4. Ҳар ойнинг 10 санасигача кейинги ойнинг иш ҳажмига қараб олдиндан 30% тўловларни амалга ошириш. « Буютрмачи”» томонидан қолган 70% тўлов « Ижрочи » томонидан товарлар етказиб берилиб, хисоб фактуралар тақдим қилингандан сўнг тўлаб берилади.

2.5. Ҳар ойнинг 10 санасигача ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида тўловларни “Ижрочи”нинг хисоб рақамига тўлов-талабномаси юбориш йўли билан банк орқали акцептсиз ўтказиб бериш.

## 3. “ИЖРОЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Шартномада кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

3.2. “Буюрмачи”нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

3.3. Ҳар ой бошига ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида “Буюрмачи” ҳисоб рақамига тўлов талабномасини юбориш.

3.4. “Буюртмачи” томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

3.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ.

4.1. “Буюрмачи” шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартнолмада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос хисобланади.

4.2. ”Ижрочи” уз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ хажми кийматидан 0.5% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда “Буюртмачи”га пения тўлайди.

4.3. “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%идан ошмаган миқдорда “Ижрочи”га пения тўлайди.

4.4. Жарима ва пения тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

ектрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: G00607607５

## 5. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

5.1. “Ижрочи” хом-ашё, ёқилғи-мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга хақ лидур ва у “Буюртмачи”ни бу тўғрида ёзма равишда огохлантиради.

5.2. Форс-мажор холати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар.(корхонанинг тугатилиши, рахбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчилик кабилар форс-мажор холатига кирмайди).

5.3. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокоралари орқали хал қилиниши мумкин бўлмаган холларда хўжалик ва хакамлик судлари томонидан хал қилинади.

5.4. Томонларнинг манзили, корхона номи, хисоб рақами ўзгарган тақдирда хамда ҚМЧ хажми ўзгаришга таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот бериши шарт.

5.5. Шартноманинг 1.2.бандида кўрсатилган ҚМЧнинг хажми “Буюртмачи”нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг юк ташиш хужжатларини расмилаштиришдан бош тортса, “Ижрочи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб хисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ.

6.1. Ушбу шартноманинг муддати имзоланган пайтдан бошлаб «31» декабр 2022 йилгача белгиланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу хакда бир ой олдин ёзма равишда огохлантиради, акс холда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган хисобланади.

6.3. Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилгунга қадар ўз кучини йўқотмаган хисобланади.

6.4. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

6.5. Шартнома Ғазначилик бошқармаси (бўлинмаси) да рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

4.2. Шартнома Ўз.Рес.Адлия вазирлиги томонидан 20.02.1999 йилги №647-сон билан рўйхатга олинган қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича маиший хизмат кўрсатиш қоидаларига асосланиб 2 нусхада тузилади, улар бир хил қонуний кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

## 8.ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Ижрочи»**

“FERGHANA SPECIAL TRANS” маъсулияти чекланган жамияти

(Маиший чиқинди олиб кетувчининг номи)

Манзил: Додхох кўчаси 2 уй
Х/Р 20208000900588539001
Банк номи Миллий банк Фарғона бўлими
МФО: 00493 СТИР: 303805695
ОКОНХ: 90211
Тел: 73 244-86-31

Рахбар ________________ Б.Дехқонов
(имзо)

**«Буюртмачи»**

**Бешариқ мактабгача таълим бўлими**

(Бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил:Бешариқ ш, Сирдарё кўчаси,12-уй
________________________________________
Тел./факс 90-855-90-06
ш/х 100022860302157091100251001
бюджетдан маблаг олувчи СТИР:_305153351
ОКОНХ______________
Бешарик шахар буйича Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в :23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказийбанк ХККМ
Тошкент шахар МФО:00014
Ғазначилик булинмаси СТИР:_201122919

Ташкилот рахбар ___________ Ш.Бараталиева
(лавозими) (имзо)

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FERGHANA SPECIAL TRANS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"FERGHANA SPECIAL TRANS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yhatdan o'tqazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.02.2016    112    ro'yhat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 303805695

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Farg`ona, AL-FARG'ONIY, 7,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Farg`ona, YAGONA DARCHA MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI "FERGHANA SPECIAL TRANS" HUJJATLAR UCHUN

ктрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: J04512208153

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

**21.01.2022 йил**

**Beshariq tuman**
**Maktabgacha ta'lim bo'limi**

**XULOSA**
(Maktabgacha ta'lim bo'limining
14-sonli shartnoma loyihasiga)

**1.Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2.Loyhaning nomi:** Qattiq maishiy chiqindilarni tashib chiqib ketish to'g'risidagi № 14-sonli shartnoma.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 20 yanvar kuni ishlab chiqilib, shu kuni markazga taqdim qilingan.

**4.Loyiha bo'yicha taklif:** Beshariq tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi hamda "FERGHANA SPECIAL TRANS" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida qattiq maishiy chiqindilarni tashib chiqib ketish ishlarini bajarish to'g'risidagi № 14-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyayining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunining 10-moddasi (Xo'jalik shartnomasiga nisbatan qoyiladigan talablar)ga muvofiq ishlab chiqilgan.

O'zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi O'RQ-684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunining 71-modda, 1-qism, 6-xatboshida **narxi (tarifi) davlat tomonidan tartibga solinadigan tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) davlat xaridi to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha amalga oshirish tartibi** ko'rsatilgan.

Qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni tashish xizmatlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2018 yil 30 martdagi 249-son "Tovar bozorlarida monopoliyaga qarshi tartibga solishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining 2-ilovasi narxlari (tariflari) davlat tomonidan tartibga solinadigan ijtimoiy ahamiyatli tovarlar (xizmatlar) va ularning strategik turlari ro'yxatining 15-bandida ko'rsatilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

**XULOSA**

Mazkur shartnoma loyihasini tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

**Beshariq tuman YuXKM**
**bosh yuriskonsulti:**

**X.Abdurafiqov**